O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 2-fevral • Shanba • 15 (27.820) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бугунги кунда ўткир муаммоларимиздан энг муҳими — бу ёшларни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва иш билан таъминлашдан иборат. Бу вазифа давлатимиз ва жамиятимиз, маҳаллий ҳокимликларнинг эътибор марказида туриши зарурлиги ҳаммамизга аён».

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 2008 йил 5-6 февраль кунлари расмий ташриф билан Россияда бўлади.

Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка оид масалаларни муҳокама қиладилар.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ТАҚДИМОТИ

Токиода Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Япониянинг «Club Tourism International» компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Кунчиқар юртнинг маданий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, пойтахт аҳлидан иборат саёҳат ишқибозлари иштирок этди.

«Club Tourism International» янги ва муваффақиятли фаолият юритиб келаётган компаниялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда юртимиз сайёҳлик бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга эришди. У Ўзбекистон туристик фирмалари билан ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиб, Япониядан мамлакатимизга келувчи сайёҳларнинг умумий оқимидаги улушини 15 фоизга етказа олди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг тарихий обидалари ва диққатга сазовор жойлари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм меҳмонлар эътиборига тақдим этилди. Шунингдек, юртимиз халқ амалий санъати кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Тақдимотда иштирок этган Кунчиқар юрт вакиллари Японияниг «ЭН-ЭЙЧ-КЕЙ» ва «ТИ-БИ-ЭС» телерадиокомпаниялари каналларида намойиш этилган «Замонавий Буюк ипак йўли» ва «Самарқанд маданиятлар чорраҳасида» номли ҳужжатли фильмларини томоша қилгач, Ўзбекистонга бўлган қизиқишлари ортганлигини алоҳида таъкидлашди.

«Club Tourism International» компаниясининг масъул ходими Томое Соганинг сўзларига қараганда, Япония дунё сайёҳлик саноатининг асосий донорларидан бири ҳисобланади. Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сони йил сайин ошиб бормоқда ва бу туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигидан далолат беради.

Ўзбекистон дунё эътирофига сазовор бўлган бой маданий ва тарихий меросга эга. Японияндан келаётган сайёҳлар айниқса, ўзбек халқининг ўзига хос миллий маданияти ва анъаналарига қизиқиш билдирмоқдалар. Икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг мавжудлиги ҳамда японияликлар сайёҳлар учун жуда қулай шарт-шароитлар яратилгани, сайёҳлик инфратузилмаси ва хизмат кўрсатиш даражасини такомиллаштириш бўйича республикамизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар япон сайёҳлик компаниялари ва саёҳатчиларини Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб этмоқда.

«Club Tourism International» компанияси жорий йилда ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликни янада кенгайтиришни ҳамда бу борада фаол тарғибот ишларини олиб бориш ва янги сайёҳлик йўналишларини таклиф этиш орқали Японияндан Ўзбекистонга келувчи сайёҳлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

«Жаҳон» АА,
Токио

☑ **2008 йил — Ёшлар йили**

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар

Мустақил юрт таянчи

Бугун дунёнинг қайсидир бир бурчагида 16 ёшга тўлган ўғил ёки қиз ўзининг туғилган кунини қўлида қурол билан қарши олаётгани бор ҳақиқат. Лекин минг бора шукрки, бизнинг осмони мусаффо, серқуёш Ўзбекистонимизда ёшларимиз дунё илмларидан хабардор бўлиб, тинч-осойишта ҳаёт бағрида умргузаронлик қилаётир.

Мустақилликка эришган илк кунларданоқ мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан баркамол авлод орзуси, комил ёшларни тарбиялаб вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки келажаги буюк давлат бўлиш учун биринчи ўринда ёшларга бўлган эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш талаб этилади.

Шундай экан, бизнинг юртимизда бу борада қандай йўл тутилди? Энг аввало, ёшларимизга ғарб ёшларининг ўзлари юз ўгирган, яъни Европа механиклашуви эмас замонавий илм, касб-ҳунар, миллий маърифат, миллий тарбия, миллий маънавият керак эди. Президентимизнинг Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ёшлар сиёсатининг мақсад-моҳияти аниқ ва равшан таҳлил қилиб берилган эди: **«Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг замирида тарбия ётади».**

2-бет

Мустақил юрт таянчи

2

Бизнинг асосий бойлигимиз улуғ халқимиз эканлигини кўп такрорлаймиз. У билан ҳақли равишда фахрланамиз. Хўш, ўзимизчи? Шу халққа, шу миллатга муносиб қандай хайрли ишларни қилаяпмиз?

Кенг дунёда гап кўп, янгилик кўп ва турфа воқеа, ўзгариш, ҳодисалар ҳам

3

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, 62 фоиз тингловчи равон ва эҳтирос билан сўзлайдиган нотиқларга қараганда «ммм», «эээ» дея тутилиб-тутилиб гапирадиган нотиқлар маърузаси (ваъзи) кўпроқ ёдда қолишини таъкидлашди. Ажабо!

Спорт — копток тепиш дегани эмас

4

балки ҳар томонлама баркамол, иродаси тобланган, мустақил дунёқараши шаклланган, онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган комил инсонни тарбиялашдир, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят минтақавий филиали ижрочи директори Ислом МИРЗАЕВ

Мактабларда жисмоний тарбия дарслари шунчаки ўқитилаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Бунинг устига айрим мураббий ёки ўқитувчилар давр талабига жавоб бермайди. Спорт кийимисиз машғулот ўтади.

☑ **«Экосан»нинг саховати**

«Саломатлик поезди» Навоий вилоятига йўл олди

«Экосан» халқаро ташкилоти, «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик темир йўл компанияси Ёшлар йилида Оролбўйи минтақаси ва экологик шароити оғир бошқа минтақадаги ёш оилаларни, боқувчисини йўқотган ва боласини ёлғиз тарбиялаётган аёлларни моддий қўллаб-қувватлаш, ўқувчи ва талабаларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида «Экосан — Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поезди» лойиҳасини давом эттирмоқда. 1 февраль куни навбатдаги поезд Навоий вилояти сари йўл олди.

Маълумки, мазкур лойиҳа 1993 йили бошланган бўлиб, шундан буён Оролбўйи минтақаси, шунингдек, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларига 150 дан зиёд Саломатлик поезди ва автопоездлар юборилди ҳамда 700 минг кишига 10 млрд. сўмдан зиёд ёрдам кўрсатилди. Айни вақтда юқори малакали шифокорлар 600 минг кишига тиббий маслаҳат берди.

Ўтган йилнинг ўзида эса Оролбўйи минтақаси ва Сурхондарё, Хоразм ва бошқа вилоятларга юборилган 21 та Саломатлик поезди орқали 12 мингдан зиёд қарияга, 450 та ижтимоий соҳа объектига, 8 минг кам таъминланган оилага 1 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги инсонпарварлик ёрдами етказилди.

Навоий вилоятига йўл олган поездда 32 млн. сўмлик иссиқ кийим-кечак, пойабзал, кўрпа-тўшак ғилофлари, санитария-гигиена ашёлари бўлиб, инсонпарварлик ёрдами Нурота, Конимех, Хатирчи, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа ва бошқа туманларнинг ўқув, тиббий муассасалари, шунингдек, фарзандини ёлғиз тарбиялаётган аёллар, кам таъминланган оилаларга етказилиши кўзда тутилган.

Алишер РЎЗИЕВ

☑ **ЎзХДП: электорат манфаати**

Эътибор марказида

ёки Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар кенгашининг электоратимиз вакиллари бўлган қаровчисиз қариялар, боқувчисиз ногиронлар, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятидан лавҳа

Тақдирнинг синовлари кўп. Бу синовлар Жиззах шаҳрининг Тошлоқ маҳалласида истиқомат қилаётган олтмиш икки ёшли Светлана опани ҳам четлаб ўтмади. У ёлғизланиб қолди. Тўғри, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар уни ташлаб қўйишмади. Кимлардир ҳовли-жойини супирибсидириб, тартибга келтиришга кўмаклашса, кимлардир иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Барибир, ёлғизлик ёлғизлик-да, опа катта ҳовлида зерика бошлади. Маҳалла-кўйга чиқиб, тенгдошлари билан гурунглашишлар ҳам ёлғизликнинг зил-замбил юкини енгиллаштира олмади. Охири бир энлик хат билан ўзи аъзо бўлган ҲДП шаҳар кенгашига мурожаат этди. Кенгаш аъзолари уни тўғри тушунишди ва тез орада онахонни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишнинг мақбул йўлини ҳам топишди. Маҳаллада партиянинг ҳудудий ташкилоти тузилди. Кўпни кўрган, нафақада бўлса-да ҳали тетик, ЎзХДП ғояларига хайрихоҳ ва уни кенг тарғиб этишга тайёр Светлана опа шу ишга жалб этилди.

Бугун опанинг кайфияти чоғ, руҳи тетик. Энг муҳими, энди унинг зерикишга вақти йўқ. Бошланғич ташкилотнинг ишини жонлантириш, партия аъзоларини ЎзХДП Дастурида белгиланган асосий вазифаларни бажаришга сафарбар этишга алоқадор серқирра фаолият билан банд.

— Ҳамма бало бекорчиликдан келиб чиқади, — дейди партия фаоли Светлана Дегтярева. — Билсангиз, ҳеч бир иш билан шуғулланмаслик ҳатто пенсионерлар, қариялар учун ҳам кони зарар экан. Ҳозир ишларим шу қадар кўпайиб кетганки, ҳатто ёлғизликни ҳам унутиб қўяяпман. Кун бўйи кимгадир қайсидир маънода ёрдаминг, нафинг тегишини ҳис қилиб яшашнинг ўзи бахт.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

☑ **Истиқлол имкониятлари**

Иқтисодий салоҳият ортмоқда

«Наманганмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида барча турдаги задвижкалар ишлаб чиқарилмоқда

Кейинги йилларда корхона қатор хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Замонавий ишлаб чиқариш базасига эга бўлди. Бу ерда титан задвижкалар, кенг ассортиментдаги халқ истеъмоли буюмлари, минтақада биринчи бўлиб қуйма пўлат ва чўян задвижкалар тайёрланмоқда. Шунингдек, Бекободцемент, Олмалиқ ва Навоий конметаллургия комбинатлари ва бошқа корхоналар эҳтиёжи учун мосламалар — конвейер роликлари ва эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхонада 380 нафардан ортиқ ишчи-ходим самарали меҳнат қилмоқда. Ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида 700 миллион сўмлик конвейер роликлар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди. Муҳими, маҳсулот экспортига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2007 йилда 260 минг долларлик маҳсулот хорижга чиқарилди.

Корхонанинг асбобсозлик цехи раҳбари Иномиддин Бурхонов жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи диаметри 50 дан 300 миллиметргача бўлган задвижкалар, қолиплар ва мосламаларнинг намуна нусхаларини яратишдек масъулиятли ишга бош-қош бўлмоқда. Ўта мураккаб детал қуймаларини олиш учун модел мосламаларнинг деярли барчаси унинг ихтирочилик таклифлари асосида яратилди. Шунингдек, корхонада пўлат ва чўян эритиш цехи ташкил қилинди. Ҳозирги кунда Россия, Болгария, Украина, Польша, Хитой ва бошқа мамлакатларга ана шу диаметрдаги пўлат ва чўян задвижкалар экспорт қилиняпти.

Қисқа вақт ичида бу ерда янги турдаги чўян задвижкаларнинг ишқор ва кислотали муҳитларда ишлашга мосланган тўртта тури, ишчи қисми полимер масса билан қопланган микроимпульс клапанлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Корхона касаба уюшма қўмитаси аъзоси, Наманган шаҳридаги «Исоқ чўян» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли, ўз касбини бир умр ардоқлаб келаётган олижаноб инсон Иномиддин Бурхонов Президентимизнинг Фармонига кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланди.

Суратларда: *Иномиддин ака ўғиллари Илҳом ва Икромжон Бурхоновлар билан; тайёр маҳсулотлар.*

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Кучли давлатдан кучли жамият сари

Сиёсий фаоллик ва шахс эркинлиги

мамлакатимизда 2007 йил 23 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнида яққол намоён бўлди

Демократик жамиятнинг шаклланиш жараёнида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқаролар хоҳиш-иродасига суянган ҳолда вакиллик органларини шакллантириш, мамлакат раҳбарини сайлаш адолатли жамият қуришнинг биринчи талабидир. Ўтган йилнинг 23 декабрь куни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларидан фойдаланиб, Президентликка муносиб номзодни сайлади. Сайлов жараёнлари очиқ, ошкора, демократик асосда ўтгани ҳамда сайлов қонунчилиги ҳақида хорижий мамлакатлардан келган ва халқаро кузатувчилар ўзларининг холис фикрларини билдирдилар.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, демократик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга юқори даражада эътибор қаратаётган Ўзбекистон ҳозирги замон демократиясининг муҳим институти, давлатни бошқаришда иштирок этишнинг ҳамда ҳокимият вакиллик органларини шакллантиришнинг илғор усули сифатида сайлов қонунчилигини такомиллаштириб боришга алоҳида эътибор бермоқда. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ҳақида гапирганда, унинг асосий кафолати сифатида Конституциямиз тилга олиниши ҳам бежиз эмас. Унинг 117-моддасига мувофиқ, фуқароларимиз давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайловларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилгани ҳар бир сайловчининг давлат органларини шакллантиришдаги иштирокини таъминловчи халқаро нормалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланган сиёсий ҳуқуқларнинг амалдаги ифодасидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида шундай жумлалар бор: **«Халқ иродаси ҳокимиятнинг негизи бўлмоғи лозим, бу ирода вақти-вақти билан бўладиган ва сохталаштирилмаган сайловларда ўз аксини топиши, ушбу сайлов ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенгма-тенг шакллар воситасида ўтказилиши керак».** «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро пактнинг 25-моддаси эса мана шу фикрларнинг мантиқий давоми сифатида **«Ҳар бир фуқаро қандай бўлмасин, бирор турдаги камситишларсиз ва асоссиз чеклашларсиз, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқига кўра, яширин овоз бериш орқали вақти-вақти билан ўтказиб турилади ҳамда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш имконини берувчи ҳақиқий сайловларда овоз бериш ҳамда сайлаш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлиши лозим»**лигини қайд этади.

Ўзбекистон Конституциясида ушбу меъёрлар фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканини ифодалаш орқали мустаҳкамлаб қўйилган. Миллий қонунчилигимиз ушбу конституциявий нормани бошқа сайлов қонунчилиги билан амалда такомиллаштириб, сайловчининг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатларини белгилаб берган. Хусусан, ушбу соҳадаги қонунчилик тизимидан «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг жой олгани бу фикрнинг тасдиғидир.

Сайлов сайловчиларнинг кайфияти ва кимни афзал билиши, қўллаб-қувватлашини очиқ-ойдин кўрсатадиган омил эканини таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, сайловлар давлат ҳокимиятини янгилашнинг самарали йўлидир. Халқаро меъёрларга тўла мос келадиган сайлов тўғрисидаги қонунларимизда ўзбек халқи менталитетига хос хусусиятлар мужассам. Буни нафақат ўзимиз, ўзбек олимлари, балки халқаро экспертлар, жаҳон ҳамжамияти ҳам такрор-такрор эътироф этди. 2007 йил охирида бўлиб ўтган сайловдан сўнг ҳам бу яққол кузатилди. Конституциямизда «Иқтисодий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида»ги халқаро конвенция, «Иқтисодий камситишларнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисида»ги БМТ декларациясининг сайловга оид талаблари ҳам ўз ифодасини топган ва уларга қатъий амал қилинмоқда. Жаҳон жамоатчилиги мамлакатимизнинг бу соҳада зиммасига олган халқаро мажбуриятларини тўла-тўкис адо этаётганига яна бир бор гувоҳ бўлди.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқларини кенгроқ шарҳлайдиган бўлсак, ўзини ўзи бошқариш, мамлакат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан умумхалқ овоз бериши орқали қарорлар қабул қилиш ҳамда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш жараёнлари кўз олдимизга келади. Конституция нормалари асосида сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини камситмаслик, сайлов жараёнида барча шахсларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Қонунларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тили, динга муносабати, ижтимоий ва мулкий мавқеи, эътиқодига қараб чекланиши ёки камситилиши қатъий тақиқланиши белгиланган. Амалиётда бунга сўзсиз амал қилинаётгани бугун барчамизга яхши маълум.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оид қонунлар ва қонун ҳужжатларининг нормаларини тўла қарор топтириши билан кучлидир. Бўлиб ўтган Президентлик сайлови буни яна бир бор амалда исботлаб берди.

Аҳмаджон БОБОБЕКОВ,
тадқиқотчи.

Эътибор марказида

ёки Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах шаҳар кенгашининг электоратимиз вакиллари бўлган қаровчисиз қариялар, боқувчисиз ногиронлар, кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти ҳақида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу кунларда шаҳарда 74 нафар ёлғиз қария, 5465 нафар боқувчисини йўқотган ногирон истиқомат қилади. Шаҳар партия кенгаши ўзининг 78 та бошланғич ташкилоти орқали электоратимиз вакиллари ҳисобланган бу фуқароларнинг ҳолидан мунтазам хабардор бўлиб туришга ҳаракат қилаяпти. Уларга маънан кўмаклашиш, қалбига кўл солиб, қизиқишлари, интилишлари, орзу-истакларини имкон қадар рўёбга чиқариш йўлларини топаяпти. Ўз навбатида бу ҳар қайси ёлғиз қария, боқувчисини йўқотган ногиронларнинг ҳаётга, яшашга бўлган интилишини кучайтиришга, руҳини кўтаришга хизмат қилмоқда.

— Битта мисол айтай, — дейди ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Носиржон Сиддиқов. — Улуғбек номидаги маҳаллада Исмоил Бойбўсинов деган биринчи гуруҳ ногирони яшайди. Моҳир уста, фақат соғлиғи яхши эмас. Шу инсонга қандай фойдамиз тегиши ҳақида кўп ўйладик. Охири, унга уйида телерадиоаппаратуралар тузатадиган устахона очишга кўмаклашишга қарор қилдик. Бир-икки ойлик уринишларимиз бекор кетмади. Ниятимизга етдик. Ҳозир Исмоилни маҳалладагина эмас, шаҳарда ҳам кўпчилик яхши билади ва шубҳасиз, устага аппаратураларини тузатишга олиб келувчиларнинг кети узилмайди. Бир томондан унинг ўзи севимли машғулоти билан шуғулланаётганидан мамнун, иккинчидан бу иш туфайли рўзғори манфаат кўряпти.

Шуниси эътиборга лойиқки, шаҳар кенгаши партия электорати вакиллари — қаровчисиз қариялар, боқувчисини йўқотган ногиронларнинг манфаатларини ҳимоялашдек хайрли ишга барча бошланғич ташкилотлар, партия фаоллари билан бир қаторда партиямиздан сайланган шаҳар Кенгаши депутатларини ҳам жалб этяпти. Уларнинг ҳар бирига бир нафардан ёлғиз қария ёки боқувчисини йўқотган ногирон бириктириб қўйилган ҳамда вақти-вақти билан партия кенгашининг ижроия қўмитасида уларнинг бу борадаги ахборотлари эшитиб бориляпти.

— Март ойида шу масалада ахборот бераман, — дейди «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими раиси Маматқул Иномов. — «Маданият» маҳалласидан ногирон Бурхон Иномов, Хайробод маҳалласидан кам таъминланган Илҳом Ражабовнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб турибман. Ҳар иккаласини ҳам имкониятларига яраша иш билан таъминлаш чораларини излаяпмиз.

Ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотганларга ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш халқимиз, миллатимиз табиатига хос хислат. Бу одат ота-боболаримиз, аждодларимиздан бизга мерос. Бугун биз шундай гўзал фазилатни ўз фаолиятининг муҳим қирраси, устувор йўналишлардан бирига айлантирган шаҳар партия кенгашининг одамлар орасида ЎзХДП нуфузини амалий ишлар билан оширишга ҳаракат қилаётганидан ҳикоя қилдик, холос.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Парламент фаолияти

Муҳокамаларда ечим топилади

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу тизимни такомиллаштириш, соҳада рақобат муҳитини шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хизматларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ниҳоятда долзарб ва муҳим масалалар сифатида қаралмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси йўл-транспорт ҳодисаси натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказиладиган зарарни қоплаш имкониятини яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур лойиҳа парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Бу жараёнда суғурта компаниялари вакиллари, мутахассислар, олимлар иштирокида қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган анжуманлар ўтказилаяпти ва билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар эътиборга олинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири «Ўзагросуғурта» компаниясининг ўқув марказида бўлиб ўтди. Давра суҳбатида компания вакиллари, мутахассислар иштирок этишди. Йиғилганлар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги масалани батафсил муҳокама қилдилар. Бевосита суғурта фаолияти билан шуғулланаётган амалиётчилар қонун ижроси жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган муаммолар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар, таклифларини ўртага ташладилар.

— Айрим қонунлар борки, у фақат баъзи тармоқ, соҳаларгагина тегишли бўлади, — деди Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов. — Бу қонун эса ҳар биримизга тегишли бўлиши мумкин. Ким ўз автомобили бўлишини истамайди, дейсиз. Шунинг учун ушбу лойиҳа муҳокамасини бевосита тегишли мутахассислар иштирокида олиб боришнинг аҳамияти катта. Келгуси ҳафтада йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари, мутахассислари иштирокида ҳам шундай давра суҳбати ўтказишни режалаштираяпмиз.

Беҳзод ШУКУРОВ

Мустақил юрт таянчи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз таълим-тарбиядан ҳеч нарсани аямаётгани, мисол учун умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларининг бепул ўқув қуроллари билан таъминланиши, ишсиз ёшларнинг бандликка кўмаклашиш марказлари орқали касбга йўналтирилиши, истеъдодли ўғил-қизларимиз ўз салоҳиятларини намоён этишлари учун ҳам имкониятлар кенгайиб бораётир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишларни амалга ошириш бугун кўпчиликнинг эзгу ниятига айланди. Бу йўлда хайрли қадамларни ташлаб келаётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби қатор жамоат ташкилотларининг эзгу ташаббуслари ёшларимизни чинакам сафарбарликка чорлаб келмоқда.

Юртимизда кечаётган биргина тадбиркорлик соҳасидаги ислоҳотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, бугунги кунда 470 мингтага етган тадбиркорлик субъектларининг қарийб 37 фоизини, 220 мингдан ортиқ фермер хўжаликларининг 26 фоизини 35 ёшгача бўлган, 15 фоизга яқин фермер хўжаликларини эса 25-30 ёш оралиғидаги ёшлар бошқармоқда. Улар Юртбошимиз бошчилигида барпо этилаётган келажаги буюк давлатнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган салоҳиятга етишиб бормоқдалар.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшлар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар соҳасида ҳали муаммолар, қилинадиган ишлар жуда кўп.

Бизнинг асосий бойлигимиз улуғ халқимиз эканлигини кўп такрорлаймиз. У билан ҳақли равишда фахрланамиз. Хўш, ўзимиз-чи? Шу халққа, шу миллатга муносиб қандай хайрли ишларни қилаяпмиз?

Биз зиёлилар одамлар орасига кириб боролмасак, ёшлар кўнглига қандай йўл топа оламиз?! Бу йўлда энди янада фаолроқ ишлашимизни бугунги куннинг ўзи талаб қилаётир.

Биз университет миқёсида Ёшлик талабалар шаҳарчасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2008-2012 йилларга мўлжалланган истиқбол дастурини ишлаб чиқдик. Президентимизнинг ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги Фармони юзасидан олий таълим муассасалари ёш ходимларини уй билан таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказиш механизмлари ишлаб чиқилганлиги, шаҳарча ҳудудидаги маҳаллаларда гузарлар ташкил қилиш ва ижтимоий маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини яратиш, талабалар ўртасида турли танловлар ташкил этиб, уларни мунтазам рағбатлантириб бориш, ҳудудда қатор соҳалар бўйича нотиқлик маҳорати мактабларини ташкил этиш, тадбиркорликка оид замонавий мини маркетларни ташкиллаштириш ва ёшларни бунга жалб этиш каби тавсиялар ўрин олган.

Яқинда университетимизнинг барча факультетларида мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича ёшларимиз фикр мулоҳазаларини ўрганиш бўйича сўровнома ўтказилди. Унда иштирок этганларнинг аксарияти ёшларни тарбиялашда оилавий тарбия сифатини яхшилаш ва кучайтириш, билимдон йигит-қизлар орасидан ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ҳамма билан баб-баравар мулоқотга кириша оладиган етакчиларни излаб топиш, уларни қайта тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш масаласи ўртага ташланди.

Президентимиз Конституция қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида: **«...йигит-қизларимизнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ва ишлатиши учун, ўқув юртларини битириб чиқаётган болаларимизнинг ҳаётда ўзига мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар туғдириб бериш масаласи тан олишимиз керак — ҳали-бери эътиборимиздан четда қолиб келмоқда»**, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ҳунарли ва билимли одам ҳеч қайси замонда хор бўлмаган. Ёшларимиз бугунги яратилаётган шароитдан фойдаланиб, касб-ҳунар ўрганишга ахд қилишлари керак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бугунги ёшларимиз ҳеч кимдан кам эмас, кам бўлмайди ҳам. Фақат бунинг учун уларда илм эгаллашга, шу муқаддас юрт равнақи учун меҳнат қилишга иштиёқ ва шижоат бўлиши керак. Шунда улар жамиятимизнинг, иқтисодимизнинг чинакам кучига айланади. Улар буюк келажакни яратади.

Ҳақиқатни айтиш керакки, бугун дунёнинг бирор-бир мамлакатида ёшларга биздагичалик эътибор йўқ. Шунинг учун ёшлар ҳам бор куч ва билимини ишга солиб, ташаббус, янгича таклифлар билан чиқишлари, мен мустақил она Ватаним учун, унинг мустаҳкамланиши йўлида мен ўзимга бўлган эътибор ва ғамхўрликка қай даражада жавоб қайтара олаяпман, шахсан мен қай даражада бу юксак рағбатни оқлай оламан деган ўй, фикр туйғу билан яшай олса, бундай ёшларгина мамлакат ислоҳотларининг буюк таянч кучига айлана олади. Биз зиёлилар ҳам бу йўлда ёшларга қаноат бўлишимиз, уларни комил инсонлар қилиб тарбиялашимиз лозим.

Турдиали САПАРОВ,
Тошкент давлат техника университети проректори.

Эътироф

«Меридиан — Отель» меҳмонхонаси

замонавий, кўркам, қулайлиги билан хорижликларда ҳам катта таассурот қолдирмоқда

Истиқлолгача Термизда «Сурхон», «Интурист», «Шарқ» меҳмонхоналари фаолият юритарди, холос. Сўнгги йилларда меҳмонлар айниқса, сайёҳлар сони йил сайин кўпаймоқда. Бунинг самараси шуки, ўнлаб кўркам ва муҳташам марказлар бунёд этилди.

2005 йилда фойдаланишга топширилган «Меридиан — отель» меҳмонхонасига тўрт юлдуз мақоми берилган. Олти қаватли иншоот 84 ўринга эга. Бу ерда меҳмонлар, сайёҳлар ва дам олувчилар учун сауна, бассейн, душ, фитобар, тренажёр зали ишлаб турибди. Мажлислар хонаси, махсус офис, почта хизматлари бисёр.

— Термизнинг тунги таровати бетакрор экан, — дейди япониялик Кояма Микури жаноблари. — Муҳташам «Меридиан — отель» эса навқирон шаҳарга ўзгача кўрк бағишлаган. Ундаги шароитлардан кўнглим тўлди...

Айни кунларда вилоят марказининг ўзида йигирмага яқин меҳмонхоналарнинг фаолият олиб бораётгани истиқлол имкониятлари нақадар чексиз эканлигини кўрсатади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Анжуман

Жиноятчиликка қарши

самарали курашиш давлат ва жамоат ташкилотларидан мустаҳкам ҳамкорликни талаб этади

Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари ва ечими» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент шаҳар прокуратураси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият ва Маърифат маркази шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, ҳуқуқшунослар иштирок этди. Тадбирда аёллар ўртасидаги жиноятчилик ва унинг олдини олиш борасида ҳамкорликда олиб борилиши лозим бўлган ишлар, бугун жаҳонда глобал муаммога айланган хотин-қизлар савдоси мавзуси муҳокама этилди.

Нодир ҚУРБОНОВ, Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Ўтган аср сўнггида пайдо бўлган одам савдоси жиноятчилигининг олдини олиш бугун бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солаяпти. Юртимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Италия, Россия ва бошқа қатор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиб, улардан фойдаланиб, иш самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Меҳнат эксплуатацияси, одам олди-сотдиси, жиноий ишга мажбурлаш инсон шаъни, қадр-қимматини топташ, ҳуқуқларини паймол этиш замонавий давлатчилик тамойилларига мутлақо тўғри келмайди. Биз бу вазиятни имкон қадар назорат қилаяпмиз. Афсуски, фош этилаётган жиноятлар орасида ана шундай жирканч ҳодисалар ҳам учраётгани ачинарлидир. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида қатор ташкилотлар билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бунга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Компания таркибида хорижий давлатларга учаётган йўловчиларни назорат қилувчи гуруҳ ташкил этилган. Таъкидлаш керакки, бу борада жамоатчилик саъй-ҳаракати, ҳамкорлиги ва ёрдами бизга жуда зарур.

Зухра РАМАЗОНОВА, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи:

— Аёллар орасида жиноят содир этиш ҳолатлари учраётгани барчамизни ташвишга солаяпти. Қайд этилган жиноятларнинг 14 фоизи аёллар томонидан содир этилаётгани ачинарлидир. Бу бевосита хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маънавияти, дунёқарашини юксалтириш бўйича етарли иш олиб бормаётганимизни ҳам кўрсатади.

Аҳолини иш билан таъминлаш муассасалари ҳам бу борада масъулиятлироқ йўл тутса, ташкилот ва корхоналардаги бўш иш жойлари ҳақида батафсил ва тўлиқ маълумотларни ишсизларга тақдим этиб бориш механизмларини такомиллаштириш устида ишласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Зеро, Тошкент шаҳрида ўттиз мингта бўш иш жойи бўлишига қарамай, ахборот етишмаслиги туфайли баъзи аёллар пул топишнинг ноқонуний йўлларига кириб кетмоқда.

Нодира КАРИМОВА, Тошкент шаҳар «Истиқболли авлод» ёшлар ахборот-маърифат маркази директори:

— Аввало, ёшларни бу хавфдан огоҳ этиш ишларимизни анча енгиллаштиради. Пойтахтдаги 130 та мактабда «Бу ҳақда тенгдошингга айтиб бер» деб номланган интерактив-семинарлар ўтказдик ва уларда 3000га яқин ўқувчи иштирок этди. Бундай тадбирларни янада кучайтириш керак, деб ўйлайман.

Дунё бўйича 98 давлат одам савдосида транзит сифатида иштирок этади. Ўзбекистоннинг бу рўйхатга киришининг олдини олиш учун қаттиқ ҳаракат қилиш, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш талаб этилади. Фуқароларнинг, айниқса, оналар, қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга ҳар бир муассаса, ташкилот ва ўзини қадрлайдиган ҳар бир шахс масъулдир.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, Қонунчилик палатасида миграцияга оид қонун лойиҳаси кўриб чиқилаяпти. Бундай трансмиллий жиноятга барҳам беришнинг ҳуқуқий замини мустаҳкамланиб бораяпти. Фақат ҳуқуқий онгни шакллантириш муаммоси бор, холос.

Гулгун СУЛТОНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

XORIJDA

Сайловолди тарғиботи тақиқланди

Сербияда сайлов бошланишидан икки кун аввал сайловолди тарғибот ишлари ва номзодларнинг ОАВда чиқиши тўхтатилди, деб хабар беради РИА Новости.

Сербия президенти сайловининг иккинчи босқичи 3 февраль куни бўлиб ўтади. Мутахассислар сайловнинг илк натижалари сайловдан икки соат кейин маълум бўлишини тахмин қилаяпти. Эслатиб ўтамиз, 20 январда бўлиб ўтган сайловда икки номзод — ҳозирги президент (39,99%) ва Демократик партия етакчиси Борис Тадич (35,39%) юқори овоз олган эди. Ҳеч бир номзод 50 фоиздан ортиқ овоз ололмагани учун сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилмоқда.

Мустақилликни тан олмади

Руминия Косовонинг мустақиллигини тан ололмайди, деди мамлакат президенти Бэсеску. ИТАР-ТАСС нинг хабар беришича, у «Брюссель ва АҚШ Косово мустақиллигини эълон қилиши ёки бир томонлама мувофиқлаштиришига қарамай, менинг юртим Косовонинг мустақиллигини тан ололмайди»,— деб баёнот берган.

Унинг айтишича, мустақилликни тан олиш Европада етмиш йил тинчлик ҳукм суришига кўмак берган БМТ Хартияси ва Хельсинки якунлов актига «қарши зарба беради». Бу ҳужжатлар урушдан кейинги халқаро муносабатларни тиклаш учун асос бўлиб, унда чегаралар дахлсизлиги қайд этилган.

Руминия БМТ Хавфсизлик Кенгашининг махсус резолюциясисиз Косово мустақиллигига қарши чиқувчи Испания, Болгария, Греция, Кипр ва Словакия каби Европа Иттифоқи мамлакатлари қаторига киради.

Учувчи ақлдан озди

Торонтодан Лондонга учиб кетаётган самолётда ғалати воқеа рўй берди: Air Canada учувчиларидан бири парвоз вақтида асаби дош беролмай ақлдан озди.

Йўловчиларга зарар етказмасин деб ҳамкасблари уни боғлаб, самолётни қўндиришга мажбур бўлишган. Ҳаммасининг ўзи билан ўзи гаплашишидан бошланган. Воқеанинг гувоҳи бўлган йўловчининг айтишича, учувчи бевосита Худо билан гаплашмоқчи эканини қайта-қайта таъкидлаган.

Бионик протез қўл

Британия компанияси катта ҳажмда бионик протез ишлаб чиқармоқда.

Миоэлектрик сигнал орқали бошқариладиган қўл протезлари секин-аста АҚШ бозорини эгаллаб олмоқда. Британиянинг Touch Bionics компанияси вакилининг айтишича, ишлаб чиқарилган протезлар дунёнинг турли мамлакатларида 70 та харидорга сотилган. Яқин орада бу кўрсаткич юз минг нафаргa етади, деб тахмин қилмоқда компания. Компания ишлаб чиққан i-LIMB протез қўл ҳақиқий қўлга жуда ўхшаш. Чунки унинг усти қўл териси ва қон томирларига ўхшаш қўлқоп билан ўралган. Бу протезнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда бармоқлар қўл панжаларидек ҳаракатлана олади. Протез 18 минг АҚШ доллари туради.

Мактаб учун 1 миллион доллар

Даниялик 90 ёшли аёл Афғонистонда икки мактаб ва қизлар учун ётоқхона қуришга 1 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлади.

Ўз исмини ошкор қилишни истамаган бу аёл Копенгагенда чиқадиган «Берлингске тиденде» газетасига «анчадан бери шу фикр ҳақида ўйлаб, мўмай пул топганидан кейингина бошланғич таълим олиш имкониятига эга бўлмаган афғон қизларига ёрдам беришга қарор қилгани»ни айтди. Маблағ Афғонистонни тиклашга ёрдам берувчи Дания ассоциациясига берилди, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС. БМТ маълумотларига қараганда, Афғонистоннинг баъзи ҳудудларида аксарият қизлар мактабга бормайди.

Божхона бекати

Музлатилган маҳсулотлар «музлатилди»

Давлат божхона қўмитаси ходимлари юртимиз ҳудудига сифати кафолатланмаган дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари киритилишининг олдини олиш ва уларнинг ички бозорда ноқонуний сотилишига чек қўйиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Яқинда Наманган вилоят божхона бошқармаси ходимлари «Нексия» русумли автомашинани текширувдан ўтказганда, унда қаршилик У.Деҳқоновга тегишли қиймати қарийб 1,5 миллион сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 12 турдаги 1819 дона сифати кафолатланмаган дори-дармонлар олиб кетилаётган экан.

Давлат божхона қўмитасининг Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент шаҳрида жойлашган «Карвон бозори» ҳудудида ўтказилган тадбир давомида ушбу бозорда жойлашган фуқаро С.Нарзиевга тегишли дўкон кўздан кечирилди. Дўкон омборида қиймати 25 миллион сўмни ташкил этувчи 9 тоннага яқин музлатилган балиқ ва товуқ гўшти ноқонуний сақланаётгани аниқланди.

Фуқаро С.Нарзиев ва унинг акаси К.Нарзиевдан ушбу маҳсулотларнинг божхона расмийлаштирувидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар сўралганда, улар жўялироқ жавоб айтишолмади.

Контрабандага қарши курашиш бош бошқармаси ходимлари яна бир ҳолатда «Мерседес Бенц» русумли автобусни тўхтатиб кўздан кечиришганда, автобус юкхонасида фуқаро А.Ўзбековга тегишли, хорижда ишлаб чиқарилган, ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 20 миллион сўмлик, салкам 43 минг дона халқ истеъмоли моллари борлиги аниқланди.

Яширилган «Нофелет»лар

Нукус шаҳри аэропортида «Тошкент — Нукус — Урганч» йўналиши бўйича учиб келган фуқаро О.Оллабергеновнинг юклари божхона ходимлари томонидан текширувдан ўтказилганда божхона расмийлаштирувидан ўтказилганини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, нархи қарийб 19 миллион сўмлик турли русумдаги уяли телефон аппаратларини Урганч шаҳрига ноқонуний равишда олиб кетаётгани ошкор бўлди.

Шунга ўхшаш ҳолат Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам аниқланди.

Норинлик Б.Абдураззоқов тегишли ҳужжатлари бўлмаган, умумий қиймати 3 миллион сўмлик уяли телефон аппаратларини «ГАЗ-3102» русумли автоуловга юклаб кетаётганда божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

Атир-упангиз бор экан, ҳужжати-чи?..

Андижонлик И.Артиков хорижда ишлаб чиқарилган, ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 1 645 000 сўмлик, турли хилдаги парфюмерия маҳсулотларини «Нексия» русумли автоуловга юклаб олиб кетаётганда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Шу каби ҳолат Қашқадарё вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан фуқаро А.Очилов бошқарувидаги «Мерседес-Бенц» русумли автобусни божхона назоратидан ўтказиш чоғида ҳам аниқланди. Автобусда хорижда ишлаб чиқарилган қиймати қарийб 1,5 миллион сўмлик атир-упа ноқонуний олиб кетилаётган экан.

Ҳозирда юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати.

Халқаро ҳаёт

Дунё кенг. Мамлакатлар кўп. Ҳаммаси ҳар қитъада. Турли меридианлар ва параллелларда жойлашган юзлаб давлатларда турли гаплар, турли ўзгаришлар, воқеалар, ҳодисалар... Уларни интернет сайтларида ўқиб, биридан ажабланасиз, биридан ўйга толасиз, яна биридан баъзан ҳатто таҳликага ҳам тушасиз.

Кенг дунёда гап кўп, янгилик кўп

ва турфа воқеа, ўзгариш, ҳодисалар ҳам

Бу табиий. Зеро, бир замин устида, бир осмон остида яшаб, бир қуёшдан нур эмиб, бир ойгаю, юлдузларга тўла самога кўз тикканингиздан кейин Ватан, муҳит, миллат, ирқ, тил, дин ва ҳудудий сарҳадлардан қатъи назар, ҳаммамиз бир-биримизнинг тақдиримиз, қисматимиз, ибтидомизу интиҳомиз ҳақида ўйлаймиз, мулоҳаза қиламиз, мушоҳада юритамиз... Аслини олганда, барчамиз ҳам Одам Ато билан Момо Ҳаво авлодларимиз...

✧✧✧

Мана, олинг, яқинда Эдинбургдаги Стерлинг университети олимлари «қандай нотиқнинг нутқи тингловчилар хотирасида узоқ сақланиб қолади?» деган саволга жавоб излаб, тажриба тариқасида юз кишилик аудиторияда сўров ўтказишди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, 62 фоиз тингловчи равон ва эҳтирос билан сўзлайдиган нотиқларга қараганда «ммм», «эээ» дея тутилиб-тутилиб гапирадиган нотиқлар маърузаси (ваъзи) кўпроқ ёдда қолишини таъкидлашди. Ажабо!

✧✧✧

Дунёга таниқли бўлган автомобилсозлик компанияларидан бири — «Subary» жорий йилнинг шу ойи — февралдан бошлаб дизель ёнилғиси билан ишлайдиган Boxer Diesel моторларини савдога чиқаради. Бу моторлар ҳозирча «Legacy Sports» ва «Legacy Outback» русумли автомобилларга ўрнатилади. Янгилик шундаки, 150 от кучига эга мазкур мотор жойидан қимирлаши билан 8,5 секунд ичидаёқ тезликни соатига 100 километрга чиқара олади. Энг муҳими, двигатель 100 километр масофага бор-йўғи 5 литр дизель ёнилғиси «ей»ди. Инсон нималар ихтиро қилишга қодир эмас!..

✧✧✧

Зиёратни савоб дейишади. Ҳатто бирор қадамжога бориб қайтганларга «зиёрат қабул» деймиз. Аммо бу кўҳна дунёда баъзан қувонч билан ранж ёнма-ён юргандек, зиёрат билан фалокат ҳам ёнма-ён бўларкан-да... Айтишади-ку, «фалокат оёқ остида» деб... Ҳиндистонлик бир гуруҳ зиёратчилар тақдири шундай кечди. Ярим тунда зиёратдан қайтаётган кишилар ўтирган автобус Насик шаҳрида автоҳалокатга учради. Автобус кутилмаганда катта чуқурликка тушиб кетиб, қоқ ярмидан иккига бўлиниб кетган. 37 киши ҳаётдан кўз юмиб, 40 нафар фуқаро турли даражада жароҳат олган... «Сафар — бехатар бўлмас» деб шунга айтсалар керак-да...

✧✧✧

Жаҳонда бой-бадавлат ва ривожланган мамлакатлардан бири — АҚШда бугун иқтисодиёт кредит билан боғлиқ инқирозга рўпара келди. Мамлакат Президенти Жорж Буш 25 январда Конгрессга йўллаган сўнгги йиллик номасида буни тан олиб, АҚШ иқтисодиёти ҳозир мавҳумлик даврини бошидан кечираётганини, энди Қўшма Штатлар маъмурияти солиқ юкини камайтириш юзасидан тегишли чоралар кўришга мажбур эканлигини айтган! Ҳаёт-ҳаёт-да... Баъзан бойлар ҳам «йиғлаши»га тўғри келади.

✧✧✧

Ер куррасининг яна бир титан давлати — Хитойда эса ўтган йил иқтисодиёт 11,4 фоизга ўсиб, сўнгги 13 йилда энг юқори кўрсаткичга эришилган бўлса-да, мамлакат маъмурлари миллий пул бирлигининг қадрсизланишидан хавотирга тушмоқдалар. Негаки, мамлакатда аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад миқдори ҳали илғор мамлакатлардаги даражадан хийла пастлигича қолмоқда...

✧✧✧

Кенг дунёда бундай турфа гаплару, турфа воқеалар, ўзгаришлар, ҳодисалар ва турли манзаралар кўп... Мана бу хабарга эътибор беринг: Афғонистоннинг Қундуз вилоятида кўп болали ота-она шол бўлиб қолиб, қариндошлари ва қўшнилари қарамоғида яшаб келишаётган эди. Аммо бу йилги қаҳратон қиш мамлакатда кўпчиликнинг ғамлаб қўйган озиқ-овқати тугаб, одамларнинг бировга ёрдам кўрсатиш «салоҳияти»ни ночорлаштириб қўйди. Натижада, шол ота-она эмизикли гўдаги ва бошқа болалари ҳаётини сақлаб қолиш учун 9 ойлик қизалоғини бой-бадавлат, аммо фарзандсиз қўшни бир оилага 10 АҚШ доллари ва яшаб туришлари учун бир хонали уйга сотишга мажбур бўлишди... Қаранг, очлик, қашшоқлик, муҳтожлик нималарга олиб келмайди..?

...Шундай кезларда яна ҳам чуқур ўйларга толасиз... Австралияда XX асрнинг 70-йилларига қадар бўлган (1910-1970) 60 йил давомида туб аҳоли — аборигенларнинг 100 минг нафардан зиёд гўдаклари оқ танли кишиларга сотилгани, пировардида, айни шу аҳоли қирилиб кетиш даражасига етганидан қалбингиз ларзага тушади...

✧✧✧

Ироқда кун сайин портлашлар давом этиб, юзлаб бегуноҳ одамлар, болалар ҳалок бўлаётган, Исроил фаластинлик жангариларга қарши курашиш остида Газо секторини бутунлай қамалга олган ва у ерда ҳозир озиқ-овқат, дори-дармон, электр энергияси тақчиллиги сезилаётган, ёхуд илгари Африка қитъасида энг осойишта давлат бўлмиш Кенияда бугун турли можаролар, қабилалараро тўқнашувлар кечаётган кезларда... ўз Ватанингиз, ўз халқингиз тинчлиги, осудалиги, омонлигию турмуш тарзи фаровонлигини кўриб, Оллоҳга шукроналар айтасиз.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

2008 йилнинг 4,7,11,14,18,25,28 март кунлари аукцион савдоларини ўтказади.

Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 9-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг:

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BD 613 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 14 500 000 сўм.

— 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AA 649 бўлган «Леганза» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 15 500 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Фарҳод кўчаси, 10-а уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Тошкент вилояти бошқармасининг:

— 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 658 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 1 500 000 сўм.

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AZ 659 бўлган «Доган» русумли автотранспорт воситаси.

Бошланғич нархи — 1 800 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Телефон: 233-02-49.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлигида рўйхатдан ўтган «Жонҳўрозфарм» хусусий корхонаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади.

Тел.: 245-88-71.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Кенгаши ижроия қўмитаси «Тошкент вилояти автосаройи» ОАЖ раиси, партия фаоли, Халқ депутатлари Қибрай туман Кенгаши депутати Шуҳрат Сайдалиевга онаси

ОЙНИСА аянинг

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Кураш

Ислом Каримов халқаро турнирида

Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ташкил топганига бу йил ўн йил тўлади. Миллий спорт туримиз бўлган курашни Олимпия ўйинлари дастурига киритиш йўлида кенг кўламли ва ибратли ишларни амалга ошираётган ассоциацияга аъзо давлатлар сони айни вақтда 102 тага етди. Курашимизни янада тараққий эттириш ва жаҳон миқёсида тарғиб этишни ўз олдига мақсад қилган КХА 2008 йилги халқаро мусобақалар тақвимини ҳар доимгидан-да кенгайтиргани, айниқса қувонарлидир. Жумладан, тақвимга кўра, йил давомида ўттизга яқин йирик халқаро мусобақалар ташкил этиш кўзда тутилган.

Куни кеча Салоники (Греция) шаҳрида ўтказилган анъанавий Ислом Каримов халқаро турнири дунё курашсеварлари учун йилнинг илк мусобақаси бўлди. Тўртинчи маротаба юксак савияда ташкил этилган ушбу беллашувларда жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатлари полвонлари уч (73 кг., 90 кг. ва мутлақ) вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқдилар.

«Мегас Александрос» номидаги спорт саройида уч кун давом этган баҳсларда Бектош Сапаров (73 кг., Ўзбекистон), Теодирис Масманидис (90 кг.) ҳамда Илмас Иллиадис (мутлақ, иккаласи ҳам Грециядан)лар ўз вазн тоифасида шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгалладилар.

Эркин ХОЛБОБО.

Спорт — копток тепиш дегани эмас

балки ҳар томонлама баркамол, иродаси тобланган, мустақил дунёқараши шаклланган, онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш урган комил инсонни тарбиялашдир, — дейди Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилоят минтақавий филиали ижрочи директори Ислом МИРЗАЕВ

Спортга ошно тутиниш қачондан бошланади? Ўсиб келаётган ёш авлоднинг, энг аввало, боғчада, мактаб ва шунга ўхшаш даргоҳларда ўқишини ҳисобга олсак, биринчи навбатда ишни ана шу ердан бошлаш кераклигини англаб етиш қийин эмас. Негаки, бола боғча ва мактаб ёшида ўта ишонувчан, таъсирчан бўлади. Шу нуқтаи назардан ҳам Президентимиз томонидан бундан беш йил муқаддам имзоланган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Фармони ҳамда «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим пойдевор вазифасини бажарди.

Биргина бу эмас. Юртбошимизнинг мазкур Фармони ва ҳукуматимиз қабул қилган қарорлар болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида бу соҳага эътиборни тубдан кучайтириш, спорт ихлосмандлари орасидан истеъдодлиларни танлаб олиш ва улар қобилиятини янада ўстиришга кўмак беришда муҳим аҳамият касб этди. Буни Бухоро вилоятида амалга оширилаётган хайрли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ўтган беш йил давомида, — дейди Исмоил Мирзаев, — Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятимизда муайян ишлар амалга оширилди. Вилоят аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшашини инобатга олган ҳолда спорт иншоотлари айнан ана шу чекка ҳудудларда қурилмоқда. Ғиждувон, Жондор, Вобкент, Пешку, Қоракўл, Шофиркон, Когон туманларида ҳавас қилса арзигулик 38 та кўркам спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шундан 12 та қишлоқ болалар спорт мажмуаси янгидан қад ростлади, 9 таси реконструкция қилинди. 17 та мактаб учун эса бутунлай янги типдаги заллар қурилди. Ушбу мақсадлар учун жамғарма томонидан 3,9 миллиард сўм сарфланди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, 2003-2007 йиллар манзилли қурилиш дастурига кирган спорт иншоотларидан ташқари, ҳомийларнинг 2,1 миллиард сўм маблағи эвазига 39 та катта-кичик иншоотлар қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Буларнинг барчаси вилоятда ёшларни имкон қадар спортга жалб этишга хизмат қилмоқда. Бундан беш йил олдин спорт билан шуғулланувчи болалар вилоятда 19 фоизни ташкил этган бўлса, эндиликда бу рақам 42,7 фоизга етди. Вилоятда 6-17 ёшгача бўлган болалар 349074 нафарни ташкил этса, шундан бугун 147640 нафари спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланади.

— Буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидан, — дейди Ғиждувон туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етакчи мутахассиси Самад Норов. — Истиқлолга қадар туманимизда мақтанадиган бирорта иншоот йўқ эди. Мактаблардаги заллар илгари мослаштирилган бўлиб, машғулотлар атиги ёзги мавсумдагина ўтказиларди. Эндичи? Ҳозир туман марказидаги «Ғиждувон спорт саройи», Фиришкент қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мажмуа ҳамда кўпгина мактаблар спорт залларидаги шароитни кўриб ҳавасинг ортади. Чунки, уларда болалар учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Ҳа, ҳар қандай муваффақият замирида меҳнат ётади. Қачонки, боладаги иқтидор ёшлигиданоқ илғанса ва у ривожлантирилса, ўз самарасини беради. Бунда кўпроқ масъулият жисмоний тарбия ўқитувчиси зиммасига тушади. Шу ўринда бир мулоҳаза. Мактабларда жисмоний тарбия дарслари шунчаки ўқитилаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Бунинг устига айрим мураббий ёки ўқитувчилар давр талабига жавоб бермайди. Спорт кийимисиз машғулот ўтади. Ёки ўзи спортнинг бирор тури билан шуғулланмайди. Ўқувчилар онгу шуурини фикрлари билан, ҳаракатлари орқали ўзига жалб этувчи мураббийларгина болаларни спортга ошно эта олади.

— Худди шундай, — дейди Қоракўл туманидаги «Янгибозор» болалар спорт мажмуаси раҳбари Нуриддин Адизов. — Биз ҳам бундай қусурларнинг гувоҳи бўлганмиз. Давр шиддат билан ўзгаряпти, имконият эса етарли. Шунга яраша масъулиятни ҳис этиш керак-да! Илгари жисмоний тарбия дарслари болаларнинг копток тепиши билан ўтарди. Ҳамма ҳам бу дарсни ўтаверарди. Кечаги талаб бугунга асло тўғри келмайди. Бизда ҳозир 10 та секция бор. Ҳар бирига халқ таълими бўлимидан мураббийлар бириктирилган. 478 нафар бола ёзин-қишин машғулот билан банд.

Дарҳақиқат, вилоятда болалар спорти соҳасида фахрланадиган ишлар бисёр, камчиликлар ҳам топилади. Лекин мазкур жамғарма энди тузилган кезлари унинг ҳаётимизда катта ўрин тутишига ончалик ишонмаганлар ҳам бўлган эди. Бироқ ўтган вақт мобайнида жамғарма ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг аҳамияти нафақат жойларда спортни ривожлантириш тимсолида, балки муайян ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, фарзандларимизнинг имониродасини мустаҳкамлаш, мустақил дунёқарашини шакллантириш, уларнинг онгу шуурида Ватанга садоқат ва эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтиришдек юксак мақсадларимизни рўёбга чиқаришга кўмаклашиши билан ҳам исботлаб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фанимиз фидойилари

Саодат манзиллари

адабиётимиз жонкуяри Собир Мирвалиев фаолиятига бир назар

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида ёш адабиётшунос сифатида кўзга ташланган ва бу соҳа ривожи йўлида бугунги кунда ҳам ҳормай-толмай меҳнат қилаётган олимлардан бири, филология фанлари доктори, профессор Собир Марвалиевдир.

Олимнинг бахти шундаки, у талабалик чоғларидаёқ ўзига замондош бўлган машҳур сиймолар орасида юксак ички маданияти, руҳий ва маънавий дунёси билан ажралиб турган Мақсуд Шайхзодадек улуғ устозга рубаруў келди.

...Қунларнинг бирида бағрикенг ва меҳрибон устоз ўз шогирдининг ўқиш билан бирга, мактабда ўқитувчилик қилаётганидан хабар топиб, унга илм даргоҳида ишлашни маслаҳат беради. Шу билан ёш олимнинг илмий фаолияти бошланади. Собир Мирвалиев дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ишлади. Ўша вақтда институт ва унинг қошидаги Адабиёт музейида ўз даврининг етук алломалари хизмат қилар, Ойбек ва Ғафур Ғуломдек академик ёзувчилар тез-тез келиб турар, улар билан ҳамнафас ва ҳамсуҳбат бўлишнинг ўзи катта бахт эди.

Шундай илмий раҳбарлар бўладики, на ўзлари илмда бирор бир из қолдиради, на шогирдларига мадад қўлини узатади. Ўша пайтда Тил ва адабиёт институтида яратилган қулай муҳит илмий ҳаётга янги ҳаво олиб кираётган бир давр эди. Шунинг учун институт раҳбарияти Собир Мирвалиевнинг номзодлик диссертациясини тезроқ ёзиб ҳимоя қилиши учун барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада ёш олим 1961 йили «Ўзбек адабиётида хорижий халқлар ҳаёти ва курашининг ифодаланиши» мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Кейинчалик у 1971 йили «Ўзбек романларининг тараққиёт йўли» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Олимнинг ушбу илмий тадқиқот ишига асос бўлган «Ўзбек романи» монографияси эса ҳали-ҳамон XX аср ўзбек адабиётининг етакчи жанри бўйича бирдан-бир манба бўлиб хизмат қилиб келади.

Собир Мирвалиевнинг илмий-адабий фаолиятига назар ташласак, у адабиётшунослик фани ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган қатор монографиялар яратганига гувоҳ бўламиз. Хусусан, «Ҳаёт ва кураш поэзияси», «Қалбларданқалбларга», «Тарихийлик ва замонавийлик», «Адабиёт — давр даъваткори», «Роман ва замон», «Наср, давр, қаҳрамон», «Адиб ижодхонасида», «Ўзбек адиблари», «Истеъдоднинг қўш қаноти» каби китоб ва рисолалари фанимизга янгича изланишлар олиб кирди. Ҳозирги кунда «Ўзбек адиблари» китобининг учинчи ва тўртинчи нашрлари китобхонлар қўлига бориб тегди. Шунингдек, олимнинг «Абдулла Қодирий» (2004), «Ўлмас Умарбеков» (2004) номли монографиялари ҳам эълон қилиндики, бу унинг ўлмас адибларимиз ижодий портретини яратишда салмоқли хизматларидан бўлди.

Собир Мирвалиев бутун фаолияти давомида илмий муҳитдан бир дақиқа бўлса-да чекинмади. Тошкент маданият институтида ҳамон талабаларга адабиётшунослик фани, унинг долзарб масалалари бўйича сабоқ бермоқда. Қолаверса, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳам яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозиргача XX аср ўзбек адабиёти бўйича ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик диссертацияларида бу фидойи олимнинг хизматлари катта.

Айни пайтда, олим кексалик гаштини сураётган бўлишига қарамай, ҳануз адабиётимизнинг жонкуярларидан бири сифатида илмий изланишлар, ижодий янгиликлар хаёли билан яшамоқда. Зеро, чинакам фан фидойилари доимо шундай заҳматли меҳнатлари билан саодат манзиллари сари илдамлаб бораверади.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори.

Кейинги йилларда кўҳна Марғилон шаҳрида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган йили еттита оилавий поликлиника ташкил этилиб, «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди. Шаҳардаги тиббиёт коллежида диагностика маркази иш бошлагани ҳам самарали натижаларни бермоқда.

Айниқса, «Ёвқочар» маҳалласи ҳудудида жойлашган 1-оилавий поликлиника жамоасининг тиббий хизматидан барча мамнун. Чунки ушбу тиббиёт масканида сидқидилдан меҳнат қилаётган малакали шифокорлару ҳамширалар кўмагида ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзи шаклланмоқда, турли хил касалликларнинг олди олинмоқда, беморлар эса дардига тезда шифо топмоқда.

Суратда: *оилавий поликлиника ҳамшираси Мукаррам Ибрагимова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Грант ҳисобига жиҳозланади

Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонаси ва Гулистон шаҳар тадбиркор аёл уюшмасига Япония ҳукумати ажратган 106,090 доллар грант топширилди.

Мазкур маблағ ҳисобига шифохонанинг даволаш муассасалари тиббий ускуналар ва тадбиркор аёллар уюшмасининг ўқув маркази замонавий мебеллар билан жиҳозланади.

— Бу лойиҳаларнинг амалга оширилиши мамлакатларимиз ўртасидаги давом этиб келаётган дўстона алоқаларнинг яна бир ёрқин ифодасидир, — деди Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Цутому Хираока.

«Туркистон-пресс»

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Kotibiyat 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80 236-54-12

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 149
15628 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 22.15
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda